# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 2 май, № 85 (5505) Чоршанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги Ваколатхонаси (Делегацияси) раҳбари – элчиси этиб тайинланган Норбер Жустендан ишонч ёрлиғини қабул қилди.**

Ўзбекистон жаҳон ва минтақавий сиёсатда муҳим ўрин тутадиган, улкан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ислом Каримов элчини юксак лавозимга тайинлангани билан табриклаб, шарафли ва масъулиятли миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга асос бўлган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган.

2011 йилнинг январь ойида Брюсселда бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама музокара ва унинг якунлари юзасидан имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кенг кўламли мулоқотларга янги суръат бахш этди.

Икки томон ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Мамлакатимизда Европа инвесторлари иштирокида тузилган 840 дан зиёд корхона ўзаро манфаатдорлик асосида фаолият кўрсатмоқда, ЕИга аъзо мамлакатларнинг қарийб 270 етакчи компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган. 2011 йилда Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан умумий савдоси ҳажми 2010 йилдагига нисбатан қарийб 20 фоиз ўсди ва 2,3 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси доирасидаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишларда, хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларида, демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масалаларида ўзаро ҳамкорликда тадбирлар ташкил этилмоқда.

Норбер Жустен самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Ваколатхонасининг илк раҳбари сифатида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишини таъкидлади.

**(ЎзА).**

## Ибрат

*Аниқ мақсад ва бизнес-режа асосида иш юритган жамоа улкан ютуқларга эришиши, шубҳасиз. Қарши туманидаги “Бахт” фермер хўжалиги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Бундан ўн икки йил аввал тўрт киши билан чорвачилик йўналишида иш бошлаган мазкур хўжалик дастлаб 150 бош қорамол парваришини йўлга қўйган эди. Айни пайтга келиб, бу ерда қорамоллар сони 600 бошга етди. Ўтган йили 310 тонна сут, 28 тонна гўшт етиштирилди, 134 миллион сўмдан зиёд соф фойда кўрилди.*

# Интилиш, шижоат, рағбат

### фермерларимиз ютуқларида муҳим омил бўлмоқда



— Илгари маҳсулотларимизни, асосан, маҳаллий аҳолига сотар эдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров. — Банкдан 160 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, замонавий технология харид қилгач, бир кеча-кундузда 3 тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга цехни ишга туширдик. Эндиликда 9 турдаги сут маҳсулотларини республикамиз бозорларига қадоқланган ҳолда етказиб бераяпмиз. Яқинда эса украиналик ҳамкорлар билан қиймати 100 минг АҚШ долларилик гўштни қайта ишлаш ускунасини харид қилиш бўйича шартнома имзоладик. Демак, бу йил хўжалигимизда тайёрланаётган гўштни ўзимизда қайта ишлаш имконияти ҳам вужудга келади.

(Давоми 2-бетда).

# Фуқаролар йиғинлари фаоллари малакасини ошириш – давр талаби

*Бугун мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш, соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий билимларини мустаҳкамлаш, бошқарувчилик маҳоратини оширишни даврнинг ўзи тақозо этаяпти.*

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Зеро, ҳозир республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига атрофлича тушунтириш, йиғин ҳудудида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш, жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, хотин-қизлар билан ишлаш каби долзарб масалаларни ҳал этишда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу мақсадда республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида ўн мингга яқин фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари), масъул котиблар, йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбарлари учун ўқув-семинарлари ўтказилмоқда. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белгиланган мазкур тадбирни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида мутасадди вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди, ўқув материаллари тайёрланиб, жойларга юборилди.

(Давоми 2-бетда).

## Эътироф

*Яқинда Бельгиянинг Гент шаҳри Маданият марказида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди. Фландрия сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси (VTB) томонидан Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳар мэрияси, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ҳамда сайёҳлик агентликлари вакиллари қатнашди.*

# Сайёҳлик салоҳиятимиз Бельгияда тақдим этилди

Тақдимотда иштирокчилар ўзбек халқининг ўзига хос тарихий, маънавий-маданий мероси, мамлакатимиз жўғрофияси, ўзига хос табиати ва иқлими, Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиёти, унинг устувор йўналишлари, бу борада яратилган сармоявий имкониятлар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлдилар. Тадбир доирасида юртимизнинг кўҳна ва гўзалликда тенги йўқ шаҳарлари тарихи ҳамда уларнинг бугунги тараққиёти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Айниқса, хорижлик сайёҳларга таклиф қилинадиган ранг-баранг саёҳат дастурлари тўғрисидаги маълумотлар иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Негаки, юртимизга келган сайёҳлар Ўзбекистоннинг нафақат бебаҳо маданияти ва қадимий меъморий обидалари, балки бетакрор табиати, наботот ва ҳайвонот олами билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади.

Тақдимот доирасида умумжаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган дунёга машҳур алломаларимиз, қомусшунос олимларимиз ҳақидаги ахборотлар ҳам йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида жаҳонга машҳур ўзбек олими ва мутафаккири, табобат илми асосчиси Абу Али ибн Синога ҳайкал ўрнатилгани, шубҳасиз, аждодларимизнинг юксак ақл-заковати, жаҳон илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси эътирофидир.

(Давоми 2-бетда).

*Мамлакатимизда илм-фан ривожига, илмий муассасалар, тадқиқотчи-олимлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга юксак эътибор қаратилаётгани кўплаб истиқболли лойиҳаларнинг амалиётга изчил татбиқ этилишига кенг йўл очмоқда. Бу борада анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси алоҳида ўрин тутаётир.*

# Инновацион лойиҳалар фаровонликка хизмат қилмоқда

Тошкент вилоятида, масалан, иқтисодиётнинг барча тармоқларига илм-фан ютуқлари жадал жорий этилаяпти. Навбатдаги интеллектуал мулк бозорида ҳудуддаги илмий муассасалар ўз лойиҳа ва ишланмалари билан иштирок этиб, саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, фермер ва соҳибкорларни инновацион ғоялар, технологиялар билан таништириш, уларни фаолиятда қўллаш бўйича келишувларга эришиш ниятидалар. Хусусан, Тошкент давлат аграр университети олимлари мазкур анжуманда 30 га яқин илмий тадқиқот ишлари, инновацион ғоя ва технологик ишланмалари билан қатнашишга тараддуд кўрмоқдалар.

Таъкидлаш керакки, университетда олиб борилаётган илмий изланиш ва тадқиқотлар кўлами ниҳоятда кенг. Ҳозирги кунда 25 нафар фан доктори, 150 нафарга яқин фан номзоди, шунингдек, 100 нафардан зиёд талабалар фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича илмий-ижодий фаолият кўрсатаётгани ана шундан далолат беради. Айниқса, ўқув даргоҳида юртимиз ва хориждаги қатор илмий тадқиқот муассасалари, университет ва институтлар билан истиқболли шартномалар асосида манфаатли алоқаларнинг йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлаётир. Жумладан, ҳозирги пайтда АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Греция, Германия, Италия, Франция, Миср, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой ва Ҳамдўстлик давлатларидаги 80 га яқин илмий муассаса ҳамда марказлар билан ҳамкорлик ўрнатилганини айтиш кифоя.

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон – ХХР:

# «МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР»

*Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси ЧЖАН СЯО “Халқ сўзи” газетаси саволларига жавоб қайтараркан, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги муносабатларни айнан шундай таърифлади. Ўз сўзларининг тасдиғи сифатида у сўнгги 20 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг ёрқин натижаларидан дарак берувчи аниқ далиллар келтирди.*

## Биз ва жаҳон

— Савдо-иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлигимиз ўзаро муносабатлардаги энг самарали ва устувор йўналишлардан биридир. Ҳисоб-китобларга кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда қарийб 2,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, яъни 2010 йилдагига нисбатан 20 фоизга, дипломатик алоқалар ўрнатилган йиллар давомида эса 50 баравар ошди. 2011 йилнинг охирига келиб Хитой томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоялар ҳажми тўрт миллиард АҚШ долларидан ортди. Бугунги кунда Хитой товар айирбошлаш ҳажми бўйича Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари ичида учинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўзбек пахтасини харид қилиш, шунингдек, мамлакатингизга коммуникация асбоб-ускуналари ва суғориш техникалари етказиб бериш борасида эса энг юқори кўрсаткичга эга.

Кейинги 20 йил мобайнида Ўзбекистондаги Хитой корхоналари сони 400 тага кўпайди. Улар энергетика, транспорт, коммуникация, машинасозлик, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, молия ва бошқа соҳаларда фаолият юритишмоқда. 2010 йилда Хитой — Ўзбекистон газ қувурининг иккинчи тармоғи фойдаланишга топширилди. Уранни ўзлаштириш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган қўшма корхона ишга тушди. Хитой — Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигига Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Сирдарё вилоятидаги “Пэншэн” индустриал парки яққол мисол бўла олади. Хитой корхоналари Оҳангарон ҳамда “Андижон-2” ГЭСларини модернизация қилишда, “Тўқимачи — Оҳангарон” темир йўлини электрлаштириш лойиҳасини амалга оширишда иштирок этишди. 2011 йилнинг октябрь ойида ХХР ва Ўзбекистон ҳамкорлиги бўйича олтита кичик қўмитадан иборат Ҳукуматлараро қўмита таъсис этилди. Бу барча соҳаларда Хитой — Ўзбекистон алоқаларини режалаштириш, мувофиқлаштириш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун муҳим пойдевор яратди.

Шу ўринда мен мамлакатларимиз икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил ривожлантириш учун зарур барча чораларни кўришаётганини таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Хитой Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан дўстона муносабатларга асосланган қўшничилик ва яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ва биз бу алоқаларимизда минтақада ўзаро ҳамжиҳатлик, осойишталик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсатимизни изчил давом эттирамиз, яъни биз ҳамкорлигимизни ҳам ўзимизда, ҳам бутун минтақада барқарорлик ва хавфсизликдан келиб чиққан ҳолда амалга оширамиз. Биз нафақат ўзимизнинг, балки бутун минтақанинг ривожланиши ва гуллаб-яшнашига интиламиз.

(Давоми 2-бетда).

## «UZ» домени:

# РИВОЖЛАНИШ ВА ИСТИҚБОЛ

*Бугунги кунда ҳеч бир соҳани ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Яъни замон қанчалик ривожланаётган бўлса, шунга мос равишда уларга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда.*

## Анжуман

Мамлакатимизда миллий ахборотлаштириш тизими (АКТ)ни шакллантириш, уни иқтисодиётнинг барча тармоқларига татбиқ қилиш, шу орқали аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1995 йилнинг 29 апрелида юқори даражали “UZ” домени рўйхатдан ўтказилиб, Президентимизнинг 2002 йил 30 майдаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “ICANN” халқаро ташкилоти билан имзоланган келишувга асосан, уни бошқариш ҳуқуқи “Uzinfocom” марказига топширилган эди.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, “Uzinfocom” маркази ҳамда “infoCOM.UZ” журнали билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун “UZ доменининг ривожланиш ҳолати ва унинг истиқболлари” мавзуида ташкил этилган матбуот анжуманида бу борада бажарилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

## Барқарор ўсиш суръати таъминланди

Бир рақам шарҳи

Мамлакатимизда 2012 йилнинг дастлабки чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

**6 фоизга ўсди.**

***Ўтган даврда республикамизда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича ислоҳотлар изчил олиб борилгани, жумладан, машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари, фармацевтика ҳамда тўқимачилик тармоқларида замонавий технологиялар жорий этилгани туфайли соҳада ана шундай барқарор ва жадал ўсиш суръати таъминланди.***

## Ўзбекистон — ХХР:

# «МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хитой — эзгуликка интилувчи мамлакат. Марказий Осиё давлатлари билан кўп мингйиллик анъанавий алоқаларимиз ва дипломатик муносабатлар ўрнатилган йиллар давомида юзага келган вазият натижасида Хитой Марказий Осиё халқларини ўзининг яқин қўшнилари, самимий дўстлари, ишончли ҳамкорлари ва қадрдон қардошлари, деб билади.

Хитой — дўстларга садоқатли мамлакат. Қадим замонларданоқ хитой ва ўзбек халқларининг жуда кўп маънавий-ахлоқий қадриятлари муштарак бўлган. Булар, биринчи навбатда, меҳр-муҳаббат, ҳалоллик, инсонпарварлик, собитлик ва бошқа фазилатлардир. Мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишлар, жумладан, энергетика соҳасида ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик айнан шу мезонлар асосига қурилган бўлиб, у бундан кейин ҳам "умумий манфаат қанча кўп бўлса, ҳар бир томоннинг оладиган фойдаси ҳам шунча кўп", деган тамойил бўйича ривожланиб бораверади. Бу борада хитойликларда "Катта дарёга етган сув кичик дарёга ҳам етади", деган мақол бор.

Хитой — чуқур масъулият ҳиссига эга мамлакат. Шу боис биз доим "ўзаро манфаат, ўзаро ютуқ ва умумий тараққиёт" тамойилини қарор топтириш йўлидан борамиз ва бунда ҳеч қачон бошқаларга улар хоҳламаган нарсани тиқиштирмаймиз. Бу ҳеч қачон ўзгармайдиган тенденциядир.

*— Маълумки, яқинда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўмитанинг савдо-иқтисодиёт масалалари бўйича кичик қўмитаси биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Сиз унинг аҳамияти ва натижаларини қандай баҳолайсиз?*

— Аввал бошданоқ таъкидлаб ўтмоқчиманки, мазкур мажлис Хитой — Ўзбекистон Ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўмитаси ташкил этилгандан сўнг ўтказилган биринчи тадбир бўлиб, у жуда юксак ташкилий даражада, ишчанлик руҳида ўтди. Томонлар бунга катта эътибор қаратишди. Мажлисда ҳар иккала томон сўнгги йилларда савдо-иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар билан танишиб чиқишди, икки томонлама савдо алоқаларини кенгайтириш, нохом ашё ва юқори технологиялар билан боғлиқ соҳаларда энергетик ва инвестициявий ҳамкорликни чуқурлаштириш, савдо ва инвестициялар, молиявий ва техник ҳамкорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ШҲТ доирасида мувофиқлаштиришни кучайтириш ва бошқа масалаларни муҳокама қилишди. Бунинг натижасида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик йўналишларини ҳамда унинг ривожланиш истиқболларини аниқ белгилаб берувчи тегишли Ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Бундан ташқари, Хитой — Ўзбекистон бизнес-форуми бўлиб, унда иккала мамлакат корхоналари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида бир қатор битимлар имзоланди.

Келгусида Ўзбекистон ва Хитой бу келишув ҳамда битимларнинг рўёбга чиқиши учун зарур барча чораларни кўради, ўзаро манфаатдорлик ва муваффақиятларни янада юксакроқ, самаралироқ даражага кўтаришга қаратилган икки томонлама ҳамкорликни илгари суради.

*— Сизнинг фикрингизча, Хитой — Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлигининг яқин келажакдаги истиқболлари қандай бўлади?*

— Бугун дунёдаги ва минтақадаги сиёсий ҳамда иқтисодий вазият жадал равишда ўзгармоқда. Хитой ва Ўзбекистоннинг муштарак манфаатлари нуқтаи назаридан қаралганда, икки томонлама ҳамкорликнинг йўналиш ва мақсадлари бир хил. Хитой томони Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратади. Дарвоқе, иккала томон ҳам ўз олдиларига улкан мақсад қўйишган — 2015 йилгача икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини беш миллиард АҚШ долларига етказиш керак. Бу иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга, савдо алоқаларини кенгайтиришга ва янги иш ўринлари яратишга туртки беради. Бунга эришиш мақсадида биз ўзаро келишилган йирик лойиҳаларни биргаликда амалга оширамиз, янгидан-янги соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўямиз, инвестициявий соҳани ривожлантирамиз. Биз нохом ашё соҳасидаги ҳамкорлигимизга ўзаро муносабатларимизни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида қараймиз ва шунингдек, савдо, инвестиция, транспорт, молия, технологиялар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги алоқаларимизни ҳам чуқурлаштириб борамиз.

Бунга, кўп жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан яқинда имзоланган "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон янги имкониятлар яратади. Бу инвестициявий муҳитни яхшилаш ва хорижий сармояларни жалб этиш учун жуда муҳим чора. Бундай чоралар Хитойдаги яна кўплаб компанияларни Ўзбекистонга инвестициялар киритишга ундашига, улар учун янада қулайроқ шарт-шароитлар яратишига ишонамиз.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, бугунги кунда Хитой ҳам, Ўзбекистон ҳам тараққиётнинг ва ислоҳотларнинг муҳим босқичида турибди, улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик эса икки мамлакат тарихида энг юқори даражага кўтарилган. Бундай шароитда бизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигимиз жуда катта истиқболга эга. Ҳамкорлигимизни ҳеч қандай қийинчилик тўхтатиб қўя олмайди. Ишончимиз комилки, мамлакатларимизнинг сиёсий раҳбарияти, ишбилармон доиралари ўзаро ҳурмат, ишонч ва тенглик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишади ва Ўзбекистон ҳамда Хитой халқлари равнақи йўлидаги ҳамкорлигимизда улкан муваффақиятларга эришадилар.

**Ў. РАҲМАТОВ,**
**П. ДЮГАЙ**
**суҳбатлашди.**

# Атроф-муҳит муҳофазаси ва тарғибот

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда "Атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти" мавзуида конференция ўтказилди.*

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Унда қуйи палата депутатлари, тегишли ташкилот ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мутахассис ҳамда экспертлар иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда экологик барқарорликни мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва шу асосда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш ҳамда жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта эътибор берилмоқда. Соҳага доир ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилаётгани, қабул қилинган қонунлар ижроси устидан қатъий парламент ва депутатлик назорати ўрнатилаётгани бу борадаги ишлар самарасига билвосита таъсир кўрсатмоқда.

Тадбирда аҳоли ўртасида экологик маданиятни юксалтириш, уларнинг атроф-муҳит муҳофазасидаги фаоллигини кучайтириш, тарғибот жараёнларини изчил олиб боришда оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлаётгани қайд этилди. Шунингдек, жабҳада ижтимоий шериклик муносабатларининг қарор топаётганлиги соҳага оид янгиликлар ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, экологик таълим-тарбияни юқори босқичга кўтариш, мамлакатимиз ва минтақамиз экологик хавфсизлигини таъминлашда айни муддао эканлиги таъкидланди.

— Бугунги кунда экология соҳасини ОАВда ёритиш ниҳоятда долзарбдир ва ўз навбатида, бу жараён катта масъулиятни тақозо этади, — дейди қўмита аъзоси О. Мамараҳимов. — Чунки аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, ёшларда атроф-муҳитга бўлган муносабатни шакллантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ғоясини кенг жамоатчиликнинг онгига сингдириш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**

# Фуқаролар йиғинлари фаоллари малакасини ошириш — давр талаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Бухорода ташкил этилаётган ўқув-семинарларда фуқаролар йиғинлари фаолларининг билимини мустаҳкамлаш, малакасини оширишга қаратилган машғулотлар олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, Адлия, Иқтисодиёт, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлинмаларининг малакали ходимлари, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларидаги доимий комиссияларнинг раислари томонидан олиб борилмоқда. Машғулотларда дастлаб давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" каби асарларининг мазмун-моҳияти, улардаги асосий ғоя ва устувор вазифаларни фуқаролар йиғинлари фаоллари томонидан маҳалла аҳолиси ўртасида кенг тарғиб қилиш масаласи муҳокама қилинди.

— Семинарда ўзимизни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олаяпмиз, — дейди Қоровулбозор туманидаги "Ал-Бухорий" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жумагул Абдужалилова. — Шу пайтгача фаолларимиз давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобларини ўқиб-ўрганиб чиқишган эди. Семинарда олимлар томонидан ушбу асарлар мазмун-моҳияти тўлақонли очиб берилди. Натижада билим ва тушунчаларимиз янада бойиди. Эртага аҳоли билан мулоқотларда бу билимлар бизга қўл келиши, шубҳасиз. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси ҳамда соҳага дахлдор қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига доир машғулотлар ҳам айни муддао бўлади.

Қашқадарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ҳам фуқаролар йиғинлари фаолларининг ўқув-семинарлари ўтказилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси моҳияти, шунингдек, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурлар ижросини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаларига бағишланган машғулотлар иштирокчиларга манзур бўлаётир.

— Ўқув-семинарларида фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий истиқлол ғоясини сингдиришнинг самарали омил ва воситалари, жамоатчилик назорати каби бир қатор долзарб масалаларда машғулотлар ўтказилмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қарши шаҳар бўлинмаси раиси Ў. Саидмурадов. — Ўқув жараёнларининг замонавий интерактив усул ва кўргазмали воситалар ёрдамида ташкил этилаётгани унинг янада самарали бўлишига хизмат қилаяпти.

Сурхондарё вилоятида ташкиллаштирилган ўқув-семинарларда 713 та маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этишаётир.

— Тадбирга пухта ҳозирлик кўрилди, ўқув семинарларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида ишчи гуруҳлар тузилди, тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича дастур қабул қилинди, тадбирлар ўтказиладиган жойлар аниқланиб, барча шарт-шароит яратилди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси Х. Эргашев. — Машғулотларга Термиз давлат университетининг малакали профессор-ўқитувчилари, ҳамкор ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари, ҳуқуқшунос ҳамда иқтисодчилар жалб этилган. Иштирокчилар дастлаб Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобларини ўрганишга бағишланган мулоқотларда қатнашди.

Тўрт кунга мўлжалланган ўқув-семинарлари жараёнида 40 мингга яқин маҳалла фаоллари учун "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, соҳага тааллуқли қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш тартиб-тамойиллари, йиғин ҳузуридаги комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатлари каби долзарб мавзулар бўйича машғулотлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Сайёҳлик салоҳиятимиз Бельгияда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Гент университети профессори Люсиа Франк** "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида бундан бир неча йил аввал Ўзбекистонда бўлгани ва мамлакатимиз унда унутилмас таассуротлар қолдирганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у юртимиздаги кўҳна меъморий обидалар маҳобати ва гўзаллигидан, ўзбек халқининг чексиз самимияти ва меҳмондўстлигидан ҳайратга тушганлигини ҳам қайд этиб ўтди.

Л. Франкнинг сўзларига кўра, республикамиз улкан сайёҳлик салоҳиятига эга. Бу эса европалик сайёҳлар эътиборини ҳам тобора кенг жалб қилмоқда. Бельгиялик профессорнинг фикрича, мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ўзбек халқининг бой маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш, тарихий обидаларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

**«Жаҳон» АА.**
Бельгия, Гент шаҳри

# Интилиш, шижоат, рағбат

## фермерларимиз ютуқларида муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



"Излаган имкон топади", дейди халқимиз. Дарҳақиқат, интилган, келажакка ишонч билан қараган инсон, албатта, ниятига етади. "Бахт" фермер хўжалиги тасарруфидаги ернинг бир қисми тепаликлардан иборат бўлиб, ундан деҳқончиликда фойдаланишнинг имкони йўқ эди. Иброҳим Холёров ўтган йили айнан ушбу майдонда паррандачилик фермасини ташкил этди. Қарангки, бир йил ичида товуқ, курка, ғоз ва ўрдаклар сони 3 мингтадан ошиб, ҳатто тухум ва парранда гўшти бозор расталарига ҳам етиб борди. Ташландиқ жарликдаги 2 гектарлик ҳовузда боқилаётган балиқларга эса буюртмалар сони тобора ортиб бормоқда.

Маълумки, чорва учун, аввало, озуқа зарур. Шу мақсадда 150 гектарлик бедазор ташкил этилган. Ҳар йили унинг 10-15 гектари уруғликка қолдирилади. Бу жамоага қўшимча маблағ келтириш баробарида, бедазорларнинг мунтазам янгиланиб туришига хизмат қилаяпти.

Бундан ташқари, "Бахт"да амалга оширилаётган ишларни тарғиб қилиш учун ўтган йили хўжалик қошида "Маслаҳат маркази" фаолияти йўлга қўйилган эди. Ушбу марказга фермерлар уюшмаси, вилоятдаги Уруғчилик ва дуккакли ўсимликлар илмий текшириш институти ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали олимлари тез-тез ташриф буюриб, фермерларга чорвачилик, деҳқончилик ва бошқа йўналишларда амалий тавсиялар бераётганлари ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Айниқса, ҳудуддаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ва фермер хўжалиги ўртасидаги ҳамкорликка ҳавас қилса арзийди. Сабаби, мазкур коллежнинг аксарият ўқувчилари "Бахт" фермер хўжалигида амалиёт ўтаб, иш ўрганишмоқда. Ўтган йилда икки томонлама имзоланган шартномаларга биноан, 14 нафар битирувчи хўжаликка ишга қабул қилинди. Жорий йилда эса яна 25 нафар ёш мутахассис билан шартнома тузиш мўлжалланмоқда.

"Бахт" фермер хўжалигида олиб борилаётган ана шу ишлар бугун бутун республикага ёйилди. Иброҳим Холёров Президент совриниучун ўтказилган "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича ғолиб бўлгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Зеро, ибратли ташаббуслар, илғор тажрибалар қанчалик тез оммалашса, республикамиз иқтисодиёти ҳам шу даражада жадал суръатларда ривожланаверади.

**Ш. ШАРАПОВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

## «UZ» домени:

# РИВОЖЛАНИШ ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидландики, "Uzinfocom" маркази томонидан ўтган вақт мобайнида хизматлар сифатини ошириш ва домен номларини рўйхатга олишда, аввало, рўйхатга олувчи ҳамда маъмурнинг вазифалари тақсимланишига алоҳида эътибор қаратилгани ушбу йўналишда соғлом рақобат муҳити юзага келишида муҳим омил бўлди. Натижада эндиликда юртимизда "Tomas", "Amaliy aloqalar Biznesi", "Sarkor Telecom", "Billur Com", "Arsenal-D" ва "Симус" компаниялари расмий рўйхатга олиш билан шуғулланмоқда. Ҳозирги кунда республикамизда 14,1 мингдан ортиқ домен номлари рўйхатдан ўтказилиб, улар сони йил бошидагига нисбатан 700 тага ортгани доменнинг самарали ишлаётганидан далолат.

Интернетнинг миллий сегментида эса Hi-Tech, маданият, илм-фан, ҳордиқ, спорт, бизнес, давлат бошқаруви органлари каби йўналишларда веб-сайтлар жойлаштирилгани, янги хизмат турлари жорий этилаётгани ҳам ундан фойдаланувчилар сафи кенгайишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда интернет ишлатувчилар сони 8 миллион нафардан ошгани бунга мисолдир.

Анжуманда, шунингдек, журналистларга республикамизда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, тизимдаги ўзгариш ва янгиликлар, келгуси режалар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

**Д. УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тадбир

*Ёшлар — халқимизнинг умиди, суянчи ва таянчи, буюк келажакка бўлган ёруғ ишончидир. Бугун юртимизда ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, навқирон ўғил-қизларни эзгу ғоялар йўлида бирлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг боиси ҳам шунда, аслида.*

# Эртамизнинг таянчи ва ишончи

Зеро, бугунги эътибор, ғамхўрлик мамлакатимизда вояга етаётган фарзандларнинг эртанги оламшумул ютуқ ва муваффақиятлари учун мустаҳкам асос, пойдевор бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган навбатдаги матбуот анжуманида ҳам шу хусусда сўз борди. Мазкур тадбирда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш ва уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш борасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятига асосий эътибор қаратилди.

Маълумки, бугун жойларда Ҳаракатнинг 15 минг 600 дан зиёд бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш ҳамда иқтидорли, изланувчан йигит-қизларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ушбу ташкилотларнинг алоҳида ўрни бор. Бинобарин, биргина ўтган йили Ҳаракат тизимларидаги етакчи ёшлар ташаббуси билан 22 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Бу йил ҳам "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ, "Биз — буюк юрт фарзандларимиз", "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати, "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати", "Камолот" грантлари" сингари қатор лойиҳалар, шунингдек, спорт йўналишидаги беллашув ва мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган. Масалан, жорий йилда "Камолот"нинг янги лойиҳаси, яъни олий ўқув юртлари талабалари, корхона ҳамда ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшлар ўртасида футбол турнири беллашувлари ташкил этилмоқда. Қувонарлиси эса "Менинг бизнес ғоям" танловида бу йил 28 минг нафардан зиёд ёшлар ўзларининг илғор ғоялари билан иштирок этишаётир. Айни кўрсаткич, яъни бу йилги иштирокчилар сони ўтган йилдагига нисбатан 6 минг нафарга кўп эканлиги ёшлар орасида мазкур танловга қизиқиш тобора ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Матбуот анжуманида Ҳаракат фаолиятига дахлдор янгиликлар, режалар, амалга оширилиши кўзда тутилаётган ижтимоий лойиҳалар ҳақида журналистларга батафсил маълумот берилди.

**М. АНВАРОВА.**

## Ҳурматли юртдошлар!

# «АСАКА» банки (ОАЖ)

**миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.**

## «ЭҲТИРОМ — 2012»

**Сақланиш муддати — 2,5 йил. Ҳисобланган фоизлар ҳар 3 (уч) ойда ёки омонат ёпилган (2,5 йил)дан сўнг берилади.**

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

**«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

699R/15



# «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



## ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

*(ҚҚС билан)*

**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

130R/97



HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.




**TUCSON**

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

EURO2012 POLAND-UKRAINE

**DONGNAM UZ MOTORS**

**Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.**
**www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru**

233R/101


## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Андижон вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Асака тумани СИБ томонидан, ЖИБ Асака тумани судининг 2012 йил 2 апрелдаги 77-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Асака шаҳри, Тўқимачилар кўчасида жойлашган, «Асака тинчлик» МЧЖга тегишли, умумий фойдаланиш майдони 5031,19 кв.м. бўлган қурилиш материаллари бозори бино-иншоотлари қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 602 765 000 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 7 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 5 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Андижон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105-хона. Телефон: (8-374) 224-48-53.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

707A/1441

*Лицензия: RR-0001.*

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган, умумий ер майдони 995,64 кв.м.дан иборат сауна биноси ва унинг ичидаги мулклар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 526 677 015 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 18 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 16 май куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Тел.: (+8-365) 223-71-36, 223-71-30. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

701R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

### Фарғона вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**1.** Аукцион савдосига Қўштепа тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошлоқ тумани судининг 2011 йил 24 декабрдаги 1-229-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўштепа тумани, «Ўқчи» ҚФЙ, лойиҳадаги кўчада жойлашган уй-жой қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 277 127 000 сўм.*

**2.** Аукцион савдосига Олтиариқ тумани СИБ томонидан, ФИБ Риштон туманлараро судининг 2011 йил 19 октябрдаги 2914-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Буғдойчи» МФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган уй-жой қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 82 465 200 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 6 июнь куни соат 14.00 да ўтказилади.***

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 4 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 200152960.

**Манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй.**
**Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**
**Телефон: (8-373) 224-68-69. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

704A/1441

*Лицензия: RR-0001.*

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

***Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:***

**1.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 16 декабрдаги 10-1019/14722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чорттоқ кўчасида жойлашган, «Crown construction» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 3350 кв.м., қурилиши тугалланмаган 3 қаватли, ертўлали профилактория бинолари.

*Бошланғич баҳоси — 1 148 264 651 сўм.*

**2.** ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Яккасарой тумани, Суқрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, «Shela Ram Textile Trading» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 3781 кв.м., бино-иншоот майдони 5717 кв.м. бўлган битта тўрт қаватли маъмурий бино ва иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 2 205 723 565 сўм 20 тийин.*

Аукцион савдоси 2012 йил 18 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 16 май куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

705A/1441

*Лицензия: RR-0001.*

***Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!***

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

***«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.***

701-2R/1441

## «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, Ҳамза шаҳарчаси, Гулистон кўчаси, 5-уйда сақланаётган, «КС-45717К-1» русумли, давлат рақами 40 060 ААА бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автокран такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 164 422 710 сўм.*

**2.** Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона вилояти, СВОЖЖДЛҚҚД бошқармасида сақланаётган «AUDI Q7» русумли, давлат рақами 40 B 077 AA бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 222 876 000 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 18 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 16 май куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Farg'ona mulk markazi» МЧЖнинг давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943063001, МФО: 00497, СТИР: 302134194.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фарғона ш., Бурҳониддин Марғиноний к., 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-69. www.rmm.uz**

706A/


AL-RAMI



**«eurofence» тўрли панель тўсиқлари спорт майдончалари, тураржой, паррандачилик фермалари ва бошқа катта ҳудудларни тўсишда қўлланилади.**
**Буюртма бўйича ўлчамдаги катак тўрни тайёрлаш.**
**Буюртма бўйича турли мураккабликдаги металлдан тайёрланган маҳсулотлар: фермалар, устунлар (колонна), парапетлар ва ҳоказолар.**
**Болғалаб безак бериб ясаш (художественная ковка), панжаралар, тутқичлар (перила), дарвозалар ва бошқалар.**
**Том, сунъий ҳавза, ҳовуз (бассейн)ларни ёпиш учун ПВХ-мембрана, маҳсулот кафолати — 50 йилгача.**

133R/1126

**www.stroyca.uz al-rami@inbox.ru (+99890) 187-44-65.**



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**9.00 дан 18.00 гача**

**232-11-15, 236-09-25.**

E-mail: reklama@xs.uz


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони жамоаси масъул ходим Рўзи Тўйчиевич Саидовга волидаи муҳтарамаси

**ҚУТФИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Давлат ва ҳуқуқ тарихи кафедраси профессори Халимбой Бобоевга рафиқаси

**Раима БОБОЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O`zbekiston" телерадиоканали" ДУК жамоаси "Янги жамият" сиёсий ва ҳуқуқий-маърифий кўрсатувлар студияси режиссёри Ўткир Ражабовга волидаи муҳтарамаси

**МАТЛАБХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Инновацион лойиҳалар фаровонликка хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ҳар қандай илмий кашфиёт, аввало, тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилиши билан аҳамиятлидир, — дейди мазкур университетнинг илмий ишлар бўйича проректори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Мақсуд Одилов. — Қувонарлиси, кейинги йилларда университетимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси эҳтиёжлари учун тўла жавоб бера оладиган изланиш ва тадқиқотлар марказига айланиб бормоқда. Бунда назария ҳамда амалиёт уйғунлигига эришилаётгани қўл келаяпти. Сабаби, ҳар бир янгилик ўқув-тажриба хўжалигимизда дала шароитида синаб кўрилади. Навбатдаги ярмаркага тақдим этилаётган лойиҳалар ҳам табиий шароитда синовдан ўтказилгани, илмий жиҳатдан мукаммал асосларга эга эканлиги билан эътиборни тортади.

Улар орасида техника фанлари номзоди Ж. Алижоновнинг чорвачилик хўжаликлари учун тавсия этаётган универсал озуқа майдалагич мосламаси ўзининг ихчам ва тежамкорлиги, шунингдек, иш унумдорлигининг юқорилиги билан ажралиб турса, университет олимлари И. Аширбеков, А. Ражабов, С. Зокиров томонидан яратилган ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилишда ҳамда термитларга қарши курашишда ишлатиладиган воситалар, узум ва меваларни қуритишда электрон ишлов беришга мўлжалланган қурилмалар бир қатор афзалликларга эга. Фермер хўжаликлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётган университет профессори Р. Дўсмуродов фермер хўжаликларида молиявий ҳисоботларни тузиш ва юритиш, бизнес-режаларни такомиллаштиришга кўмаклашувчи янги илмий тавсияларини тақдим этаяпти.

— Мамлакатимизда, биласиз, интенсив боғларни кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди университет доценти Бахтиёр Ғуломов. — Шундан келиб чиқиб, бир гуруҳ шогирдларимиз билан олманинг интенсив типдаги кўчатларини етиштириш технологиясига оид тадқиқотларни олиб бораяпмиз. Мақсадимиз — паст бўйли пайвандтаглар асосида маҳаллий шароитимизга мос, янги ва такомиллашган навларни яратиш орқали юртимизда интенсив боғдорчиликни ривожлантиришга ҳисса қўшиш. Негаки, ҳозирги пайтда бундай боғлар барпо этиш учун зарур кўчатлар Европа мамлакатларидан келтирилаяпти. Бизнинг изланишларимиз боғбону соҳибкорларнинг бу борадаги мушкулини енгиллаштиришга хизмат қилишидан умидвормиз.

Дарҳақиқат, университет олимларининг бу каби лойиҳа ва ишланмалари, мана, бир неча йилдирки, Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида муносиб баҳоланмоқда. Ўтган йили 444,6 миллион сўмлик 42 та хўжалик шартномаси имзолангани, яна бир қатор лойиҳалар юзасидан истиқболли келишувларга эришилгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ғамхўрлик

*Эл оқсоқолларидан бири Мамаюсуф бобо Сурхондарёнинг энг олис қишлоғи — Бандихонда лойиҳа қиймати 1 миллиард 670 миллион сўмлик 17-болалар мусиқа ва санъат мактабининг муҳташам иморатини кўриб, ўз ҳаяжонини яшира олмади.*





# Юрт меҳридан масрур болалар

Оқсоқолнинг ҳайратида жон бор. Мактаб иморати икки қават. Айвонлари муҳташам. Хоналари баҳаво ва ёруғ. Концерт залининг безаклари антиқа. Тасвирий санъат, ганчкорлик, ҳайкалтарошлик, компьютер графикаси учун мўлжалланган машғулот хоналари ўзига хос жиҳозланган. Мактаб очилиши билан бу ерга 15 та янги пианино, 2 та рояль олиб келинди. Етарли даражада халқ чолғу асбоблари билан таъминланди.

Қишлоқ болаларининг қизиқишларини айтмайсизми?! Нодир Ғаффоров Қизириқ туманидаги 48-умумтаълим ўрта мактабининг 4-синф ўқувчиси. Машғулотга қатнашаётганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ нота илмини ўзлаштирди. Пианинони ўрганди. Моцартнинг “Мануэт” этюдини, Клементининг сонатасини, ўзбек бастакорларининг концертларини ижро этишга қўли келиб қолди. Тасвирий санъат тўгарагига қатнаётган 5-синф ўқувчиси Аброр Менгниёзов жанрларни яхши фарқлайди. Натюрморт жанрига кўпроқ қизиқади. Гавҳар Алманова эса, асосан, Бандихоннинг қорли тоғларга туташиб кетган манзараларини қоғозга туширишга шайдо.

Ганчкорлик йўналиши раҳбари Худойназар Абдураҳмонов ҳам ўз шогирдлари маҳорати кундан-кунга ошиб бораётганидан хушнуд. Шаҳобиддин Нажмиддинов қочов, бигиз, эгов каби асбоблардан енгил фойдаланади. Самандар Нормуродов эса нурдан камалак ҳосил қилувчи қандил ясади.

Мактабга ҳозир 150 нафар ўғил-қиз қатнамоқда. Демак, даргоҳ тўла қувват билан ишлаяпти.

— Бу ғамхўрлик учун шогирдларимиз, уларнинг ота-оналари, аввало, Юртбошимиздан миннатдор, — дейди мактаб директори Алишер Маматқулов. — Келажакда фарзандларимиз жаҳонга танилган уста, катта саҳналарни забт этадиган созанда, хонанда бўлиб етишишига ишончимиз комил. Юрт меҳрини, Ватанга садоқатни улар ҳозирдан авж пардаларда куйлаб, тараннум эта бошладилар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**олган суратлар.**

# Эзгулик ва мурувват намунаси

*Меҳр-оқибат, самимий ғамхўрлик — кўнгил малҳами. Айниқса, бемор кишига мурувват кўрсатиш, уни ширин сўзу таскин-тасалли билан хасталик ва умидсизликни енгишга ундаш, руҳий мадад бўлиш савобли юмуш эканлигини барчамиз теран англаймиз. Бинобарин, бугун саховатга йўғрилган бу каби эзгу ташаббуслар ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти мазмунига айланиб бормоқда.*

## «Ҳаёт учун!»

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган “Ҳаёт учун!” хайрия форум-марафони ҳам ана шундай ибратли тадбирлардан биридир. Хабарингиз бор, мазкур марафон “Фонд Форум”, “Ҳаёт учун!” миллий уюшмаси, Сьюзен Комен номидаги кўкрак бези саратонига қарши кураш фонди (АҚШ) ҳамда “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил қилинди. Оғир онкологик хасталиклардан бири ҳисобланмиш кўкрак бези саратонига чалинган беморларни қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрия форумида бу гал 33 минг нафардан зиёд киши иштирок этди. Анъанага мувофиқ, тадбирдан тушган маблағ беморларнинг руҳий-ижтимоий реабилитацияси ҳамда мазкур хасталикни кечиктирмай аниқлашга мўлжалланган бепул акцияларга сарфланиши кўзда тутилган.

Кеча пойтахтимизда “Ҳаёт учун!” шиори остидаги форум-марафоннинг якуний тадбири бўлиб ўтди. Унда шифокорлар, санъаткорлар, спортчилар, хорижлик меҳмонлар ҳамда мамлакатимиздаги қатор дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, талабаю ўқувчи-ёшлар қатнашишди. Иштирокчилар марафонда ўзаро беллашиш билан бирга, махсус ахборот пунктларидаги онколог мутахассислардан ушбу хасталикнинг олдини олиш бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар, қўлланма ва маълумотномалар олишди.

— Ўтган йилги марафон натижаларига кўра, жами 7 минг нафардан зиёд опа-сингилларимиз онкогинеколог, маммолог, руҳшунос мутахассислар кўриги ҳамда ультратовуш ташхиси текширувидан ўтказилди, — дейди “Ҳаёт учун!” миллий уюшмаси раиси Шаҳноза Умарова. — Умуман, уюшмамиз ташаббуси билан ўтказилган шу каби лойиҳалар туфайли сўнгги йилларда кўкрак бези саратони хасталигига чалинган 300 нафардан зиёд бемор қимматбаҳо дори-дармонлар билан таъминланди. Бугун ҳам юзлаб юртдошларимиз мана шундай савобли юмушга бош қўшиш ниятида форум-марафонда қатнашмоқдалар. Ва шубҳасиз, уларнинг мазкур беғараз кўмаги яна кўплаб беморларга маънавий-руҳий мадад бўлишда, касалликни эрта босқичдаёқ аниқлаб, самарали муолажа услубларини қўллашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Хайрия марафонига пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий ва Шаҳрисабз кўчалари кесишган жойда старт берилди. Тадбир якунида эса ғолибларга ташкилотчи ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совринлари топширилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оғир атлетикачиларимиз зафари

*Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига оз муддат қолгани сайин мазкур нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилувчи спортчиларимиз сони ортиб бормоқда.*

## Хушхабар

Жумладан, яқинда оғир атлетика бўйича Жанубий Кореяда якунланган Осиё чемпионатида Ўзбекистон аёллар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида кучли бешликдан ўрин эгаллаб, битта йўлланмани қўлга киритди. Чунки мусобақа қоидасига кўра, қитъа биринчилигида умумжамоа ҳисобида 1 — 5 ўринларни эгаллаган юрт вакилларига Олимпиада ўйинларига битта лицензия тақдим этилар эди. Эътироф этиш керакки, ушбу муваффақиятни қўлга киритишга маҳоратли спортчиларимиз Марина Сисоева ва Маҳлиё Тоғаева катта ҳисса қўшдилар. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан хабар беришларича, бу икки атлетимиз мусобақанинг кумуш ва бронза медаллари билан ҳам тақдирланганлар.

Чемпионатнинг эркаклар ўртасидаги баҳсларида Улуғбек Алимов, Руслан Нуриддинов ва Ғиёсиддин Аҳмедов совриндорлар сафидан жой олишди.

Шу тариқа Лондон Олимпиадасида иштирок этувчи оғир атлетикачиларимиз сони олти нафарга етди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, 2008 йили Пекинда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида мазкур спорт тури бўйича юртимиз шарафини икки нафар вакилимиз ҳимоя қилганди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**


• Реклама ва эълонлар •

*Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, халқ таълими бошқармалари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма корхоналар раҳбарлари диққатига!*

# ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**2011/2012 ўқув йилида институтнинг барча таълим йўналишлари битирувчиларини йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришмоқда.**

Институтда таҳсил олган бакалаврлар кенг қамровли назарий билимлардан ташқари, замонавий техника ҳамда технологияларни мукаммал эгаллаган, ёшлар билан ишлаш борасида катта малака ва тажриба тўплаган, ҳар томонлама етук, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган юқори даражадаги мутахассислардир.

Давр билан ҳамнафас бакалаврга эҳтиёжи мавжуд бўлган таълим муассасалари, корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат қилишлари мумкин. Талабномангизни 2012 йил 10 майгача тақдим этишингизни сўраймиз.

Сизнинг эътиборингизга битирувчиларнинг вилоят ва туманлар кесимида тақсимоти илова қилинади.

**Маълумот учун телефонлар: (8-372) 226-43-85, 226-50-61.**

**Факс: (8-372) 226-45-47.**


## 2011/2012 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИ БИТИРАЁТГАН ЁШ МУТАХАССИСЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

*(Г — давлат гранти асосида, Ш — шартнома асосида)*

| Т/Р | Йўналиш шифри | Таълим йўналишлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Шу жумладан: Жами грант | Шу жумладан: Жами тўлов-шартнома | Жиззах вилояти бўйича: Жиззах шаҳри | | Жиззах тумани | | Дўстлик тумани | | Мирзачўл тумани | | Арнасой тумани | | Зафаробод тумани | | Пахтакор тумани | | Зарбдор тумани | | Зомин тумани | | Ғаллаорол тумани | | Фориш тумани | | Бахмал тумани | | Тошкент шаҳри | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Шу жумладан, вилоятлар бўйича: Самарқанд вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Сирдарё вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Навоий вилояти | | Хоразм вилояти | | Бошқа давлатлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш | Г | Ш |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | 32 | 33 | 34 | 35 | 36 | 37 | 38 | 39 | 40 | 41 | 42 | 43 | 44 | 45 | 46 | 47 | 48 |
| 1. | 5111000 | Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари) | 16 | 7 | 9 | 2 | 3 | 1 | | | 2 | | 2 | 1 | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | 5111000 | Касб таълими (иқтисодиёт) | 25 | 9 | 16 | 3 | 5 | 2 | 3 | | 1 | 2 | | | 2 | 1 | | | 2 | | | | 2 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | |
| 3. | 5111000 | Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) | 15 | 5 | 10 | 3 | 3 | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | 1 | 1 | 1 | | | 1 | 1 | | | | |
| 4. | 5111000 | Касб таълими (транспорт воситаларини ишлатиш) | 24 | 8 | 16 | 4 | 3 | | 2 | 2 | | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | 5 | | | 1 | | | | | 1 | | | | |
| 5. | 5111000 | Касб таълими (кимёвий технология) | 13 | 5 | 8 | 1 | 3 | | 2 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 2 | | | | | | | | 2 | | | | | |
| 6. | 5111000 | Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши) | 13 | 4 | 9 | 1 | 2 | 1 | | | | 1 | | | 1 | | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | 2 | | | | |
| 7. | 5230200 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 49 | 10 | 39 | 3 | 12 | 2 | 7 | | 5 | | 3 | 1 | 4 | 1 | 3 | | 2 | 1 | | | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | 2 | | | | | | |
| 8. | 5610100 | Фермер хўжалигини бошқариш | 31 | 5 | 26 | 2 | 10 | 1 | 6 | 1 | 5 | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 3 | | | | | | 1 | | | | | | |
| 9. | 5310200 | Электроэнергетика (тармоқлар бўйича) | 52 | 13 | 39 | 2 | 14 | 2 | 8 | | 5 | 1 | 3 | 1 | | | | | 3 | | 2 | | 1 | | 2 | | 1 | | | 2 | | | | 3 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | |
| 10. | 5320900 | Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | 31 | 7 | 24 | 2 | 9 | | 4 | | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | | | 1 | 2 | 1 | | 2 | | 5 | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | |
| 11. | 5310600 | Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва технологияси | 36 | 17 | 19 | 3 | 4 | 2 | 3 | 1 | 2 | | | 1 | 3 | | 3 | | 2 | | 1 | | | | | | | | | 3 | | | | 4 | 1 | | | 1 | | | | 2 | | | | | |
| 12. | 5630100 | Озиқ-овқат технологияси | 21 | 9 | 12 | 2 | 3 | 2 | 2 | | | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | 2 | 1 | | | | | | | 2 | | | 1 | | |
| 13. | 5340200 | Бино ва иншоотлар қурилиши (турлар бўйича) | 39 | 8 | 31 | 3 | 12 | 1 | | | 3 | 2 | 1 | | 3 | 1 | | | 3 | 1 | | | 3 | | 1 | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | 2 | | | | | | | | |
| 14. | 5340400 | Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтаж (турлар бўйича) | 37 | 10 | 27 | 3 | 10 | 1 | 5 | 1 | 1 | 2 | | | 2 | | 2 | | 1 | | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | |
| 15. | 5340600 | Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича ) | 35 | 10 | 25 | 4 | 8 | 2 | 6 | | | | | 2 | 3 | | | 2 | 3 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | 1 | | | | | | | | |
| 16. | 5580300 | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги | 29 | 8 | 21 | 3 | 9 | 1 | 4 | | 3 | 2 | 4 | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 17. | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) | 16 | 3 | 13 | 2 | 4 | | | | 3 | | | | 2 | | | | 2 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 18. | 5310600 | Ер усти транспорт тизими ва уни ишлатиш (транспорт турлари бўйича) | 56 | 15 | 41 | 3 | 12 | 4 | 6 | | 3 | 1 | 1 | | 1 | | 3 | | 1 | 2 | | | 2 | 2 | | | | | | | | | | 3 | 9 | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | |
| 19. | 5630100 | Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш | 36 | 8 | 28 | 4 | 7 | | 3 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | | 1 | | | | 1 | | 2 | 2 | | 1 | | | | | 6 | | | | 2 | | | | | | | | |
| | | Жами | 574 | 161 | 413 | 50 | 133 | 22 | 62 | 6 | 34 | 11 | 18 | 7 | 25 | 4 | 17 | 4 | 25 | 6 | 7 | 3 | 12 | 5 | 8 | 0 | 6 | 2 | 8 | 8 | 2 | 0 | 1 | 18 | 35 | 0 | 1 | 4 | 8 | 2 | 4 | 9 | 4 | 0 | 3 | 0 | 0 |

700R/


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** *Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.**
**Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.**
**Навбатчи — Ғ. Шералиев.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5